



Халқ сўзи

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 8 май, № 93 (8988)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЖИМЛИК ЧИММАТИНИ ЁРИБ ЧИҚҚАН НУР



Ёҳуд Президент
Шавкат Мирзиёевнинг
Хоразмга ташрифидан
кейинги ўйлар

2, 3-бетларга қаранг.

Учрашув

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ЯНГИ, АМАЛИЙ БОСҚИЧДА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Туркия Республикаси Мехнат ва ижтимоий ҳимоя вазири Ведат Ишиккан бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари меҳнат, ижтимоий ҳимоя, таълим, савдо, инвестиция ва парламентлараро ҳамкорлик каби йўналишларда изчил ривожланаётгани кайд этилди.

Парламентлараро алоқалар хусусида сўз юритилар экан, сўнгги йилларда икки мамлакат қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги мулоқотлар ва ўзаро ташрифлар мунтазамлик касб этгани алоҳида эътироф қилинди. Ташрифлар доирасида ҳамкорликни

чўқурлаштиришга қаратилган ҳужжатлар имзолангани ва шу тарика парламентлараро ришталар янги, амалий босқичга олиб чиқилгани таъкидланди.

Шунингдек, учрашувда меҳнат муҳофазаси, ходимлар учун муносиб иш шaroитларини яратиш, аҳолини банд қилиш ва камбағалликни қисқартириш борасида ҳамкорликни кучайтириш, тажриба ва ахборот алмашиш ҳамда мазкур йўналишларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари ҳам муҳокама марказида бўлди.

Учрашув сўнггида икки мамлакатнинг тегишли вазирлик ва идоралари ўртасидаги шериклики янада чуқурлаштириш бўйича келишувга эришилди.

«Халқ сўзи».

ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДАГИ ДАДИЛ ОДИМЛАР

Бугунги дунё қатор таҳликали жараёнлар билан кечаётган чуқур трансформация даврида яшамоқда. Халқро кескинлик тобора кучайиб, тизимли иқтисодий инкироз белгилари намоён бўлмоқда. Шундай бир шарoитда мамлакатимизда “Инсон манфаатлари — ҳамма нарсадан устуи” деган тамойил асосида ислохотлар изчил давом эттириляпти.

Фикр

Янги Ўзбекистонни барпо қилишнинг асосий устувор йўналишлари давлат бошқарувини такомиллаштириш, камбағалликни қисқартириш ва 2030 йилга бориб аҳолиси ўртачадан юқори даромад оладиган давлатлар қаторидан жой олиш, инклюзив ижтимоий тараққиётни таъминлаш, Марказий Осиё минтақасида яхши қўшничилик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлашдан иборат. Мамлакатимиз бу мақсадлар сари дадил илдамла-

моқда. Аҳолининг ижтимоий ва моддий фаровонлиқ кўрсаткичлари йил сайин юксалиб борапти. Шаҳар ва қишлоқларимизда, ҳатто ривожланиш суръатларидан доим йироқ бўлиб келган олис, чекка ҳудудларда ҳам ижтимоий-иқтисодий инфратузилманинг давр талабларига ҳамоханг тарзда янгиланаётгани, бу ерларга саноат, ишлаб чиқаришнинг кириб бораётгани, янги иш жойлари очилаётгани, аҳолининг бандлик даражаси қўтарилиши баробарида турмуш шароити ҳам изчил яхшиланаётгани эътиборга молик.



Қўмиталар ҳафта ичида

Коррупциянинг олдини олиш:

МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШДА ИНСОН ОМИЛИГА ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Марказий банк ҳамда тижорат банкларининг “Тижорат банклари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга имтиёзли кредит ажратишда коррупция омилларини бартараф этиш, шу жумладан, молиявий хизматлар кўрсатишда инсон иштирокини чеклаш, бу борада рақамлаштириш жараёнини жадаллаштириш бўйича амалга ошириляётган ишлар тўғрисида”ги ахборотлари эшитилди.

Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси Шарофиддин Назаров мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш йўналишида муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислохотлар амалга ошириляётганини, жамиятда ушбу иллатла муросасиз муносабатни шакллантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар тизимли рўёбга чиқариляётганини кайд этди. Айниқса, сўнгги йилларда аҳоли ва тadbиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратишда инсон омиллини чеклаш ва рақамлаштиришни жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратиляётганига ургу берилди.

Йиғилишда таъкидландики, бугунги кунда тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга 12 турдаги, юридик шахсларга эса 14 турдаги молиявий хизматлар кўрсатишмоқда. Бу жараёнда инсон омиллининг камайиши ҳисобига тижорат банклари томони-

дан кредит маблағларини ажратиш мuddати 3 кундан 10 дақиқачага қисқартирилди. Банк карталарини онлайн тарзда очиш, миջозларни идентификация қилишни биометрик маълумотлар асосида амалга ошириш ҳамда ҳужжатларни автоматик равишда текшириш йўлга қўйилгани эвазига бу борадаги бюрократик тўсиқлар қисқартирилди.

Депутатлар тижорат банклари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга ажратиляётган имтиёзли кредитлар ҳужжатларини сохталаштириш, норасмий тўловлар сўраш, кредит олишда белгиланган тартибга зид равишда сунъий енгилликлар яратиш, кредитлардан мақсадсиз фойдаланиш, ўзлаштириш ва суиистеъмол қилиш ҳолатлари учраётганини кайд этиб, натижада тижорат банкларида катта миқдорда муаммоли кредитлар юзга келаётганига танқидий баҳо берди.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН РОССИЯГА БОРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 8-9 май кунлари амалий ташриф билан Москва шаҳрида бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ давлатимиз раҳбари Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 80 йиллигига бағишланган тантанали тадбирларда иштирок этади ҳамда қатор икки томонлама учрашувлар ўтказида.

ЎзА.

ТИББИЁТ СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 7 май кунги тиббиётнинг бирламчи бўғини ва ихтисослаштирилган муассасаларда хизматлар сифатини ошириш, дори истеъмолини тартибга солиш ҳамда тиббий таълимни такомиллаштириш бўйича устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Сўнгги 7 йилда соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилётган маблаг 6 қарра оширилди. Худудлардаги шифохоналар моддий-техник жиҳатдан янгиланди. Илгари фақат пойтахтда бажарилган 400 дан ортиқ юқори технологик амалиётларни вилоят ва туманларда ўтказишга эришилди. Маҳалладаги бирламчи бўғин билан ихтисослаштирилган хизматларни боғлайдиган тизим йўлга қўйилди.

Юртимизда ҳар ўн минг аҳолига 29 нафар шифокор тўғри келади. Бу кўрсаткич АҚШ, Буюк Британия, Финляндиядаги билан бир хил, Туркия ва Канададагидан эса кўп. Лекин бизда иш самарадорлиги, даволаш сифати яхши эмас.

Масалан, маҳаллада бирламчи бўғин тўғри ишламагани сабабли туманларда касалланиш ва уларнинг оғир асоратлари камаймаяпти. Юқумли бўлмаган касалликлар мамлакатимиз иқтисодиётига ҳар йили 1 миллиард доллар атрофида зарар келтиряпти.

Тез тиббий ёрдамдаги жами қақрувларнинг тўртдан бири сурункали касаллиги бор беморларга тўғри келяпти. Баъзи жойларда тез ёрдам худди поликлиникадек бўлиб қолган. Виолят ва туман шифохоналарида ходимлар сони, ўринлар, маблағлар тўғри тақсимланмаган.

Тиббий суғурта тизимини жорий қилиш йилдан-йилга сурилиб келяпти. Навбат ва хизматларни рақамлаштириш ҳам тўлиқ ишга таъширилгани йўқ.

Бу ишларда сусткашликка йўл қўйгани учун соғлиқни сақлаш вазирининг икки ўринбосари вазифасидан озод қилинди, яна бирига огоҳлантириш берилди.

Йиғилишда соҳанинг бирламчи бўғини яхшилаш, касалликларнинг олдини олиш, тиббиёт ходимларининг билимини ва даволаш сифатини ошириш масалалари муҳокама қилинди. Аҳоли қамрови, касалликлар таҳлили ва мурожаатлар туридан келиб чиқиб, янги-ча иш тартиби белгиланди.

Аввало, бирламчи бўғин ислох қилиниб, тиббиёт бригадаси ҳамда унга бағирилган аҳоли ўртасида икки томонлама шартнома тузилади. Энди аҳоли оилавий шифокорни эркин танлайди, бу жараёнга хусусий шифокорлар ҳам жалб этилади.

Тиббий ёрдамнинг қафолланган пакети тасдиқланади ҳамда пакет доирасида тиббий хизмат ва дори воситалари тўлиқ қўриқетдан қопланади. Бирламчи бўғинда барча шифокор ва ҳамширалар фақат тўлиқ ставкада ишлайди. Поликлиникада акушер-гинекологлар сони 2 баробар кўпайтирилади. Ҳар 3 минг нафар бола учун биттадан педиатр шпати янгидан қўйилади.

Туманлардаги шифокорлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар фаолияти қамров жиҳатидан мақбуллаштирилади. Марказий поликлиника эса туман шифохонасининг маслаҳатдиатгностика бўлимига айлантирилади. Барча тор соҳа мутахассислари шу ерда фаолият юритади.

Бу поликлиникаларда оилавий шифокорнинг базавий ойлик маоши 500 доллар, ҳамшираники 300 доллар эквиваленти миқдориде бўлади. Улар малака сертификати олса, яна шунча устама тўланади. Агар улар маҳаллада юриб, сурункали беморларни касаллик билан яшаш ва уни бошқаришга ўргатса, онкология, диабет, инсульт, инфаркт каби хасталикларни эрта аниқлаб, оғир асоратларнинг олдини олса, маоши янада ошади. Яъни оилавий шифокорлар 1,5 минг доллар, ҳамширалар эса 600 — 800 доллар эквивалентида ойлик оладиган тизим яратилади.

Мазкур тизим бу йил 15 та туман ва шаҳарда, келгуси йилдан Самарқанд вилоятининг барча ҳудудларида синовдан ўтказилади.

Шу билан бирга, оилавий шифокор ва ҳамшираларнинг масъулияти ҳам оширилади. Маҳаллада инфаркт, инсульт, оналар ва болаларнинг эрта ўлими, сурункали касаллик туфайли орттирилган ногиронлик бўлса, фавқулдда ҳолат ҳисобланади.

Ногиронлики белгилашда шифокорлик-маслаҳат комиссиялари деган коррупцион тизимдан тўлиқ воз кечилади. Бу оилавий шифокор расмийлаштирган ҳужжат асосида тиббий-ижтимоий экспертиза комиссияси томонидан белгиланади.

Соҳа мутасаддилари ва вилоят ҳокимлари “Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар” дастури асосида шифо масканларида кутиш жойлари ҳамда йўлакларни тартибга келтириш, тозаллик ва маданиятни ошириш топшириғи берилди. Таълим ва барча ижтимоий муассасаларда “Тоза кўллар” дастури татбиқ этилиб, санитар-гигиена шароити яхшиланиши айтилди.

Йиғилишда ихтисослаштирилган тиббий хизматлар масаласи ҳам таҳлил қилинди.

Республика тиббиёт марказларида бюджет ҳисобидан фақат юқори технологияли мураккаб амалиётлар ўтказилиши белгиланди.

Электрон йўлланма бериш ва тақсимлаш тизими ҳам тубдан ўзгаради. Унга киритилган касалликлар рўйхати ва ягона базавий нархи тасдиқланади. Беморга республика даражасида даволаниш учун берилган йўлланма ягона электрон майдончага жойлаштирилиб, уни барча давлат ва хусусий клиникалар кўриб туради. Уларнинг тақлифлари асосида бемор ўзига энг маъқул шифохонани танлайди.

Энг оғриқли муаммо — болалар онкогематологияси. Афсуски, юртимизда бундай касалликларнинг 75 фоизи сўнгги босқичларда аниқланыпти. Шу боис худди онкологияда бўлгани каби болалар саратонига қарши курашиш бўйича ҳам беш йиллик дастур ишлаб чиқилади. Бунга камида 110 миллион доллар йўналтирилади.

Дори истеъмолини тартибга солиш жуда долзарб масала. Ривожланган давлатлар далилларга асосланган тиббиётга таяниб, кенг миқёсда ўтказилган клиник тадқиқотлар орқали самарадорлиги ва хавфсизлиги аниқ дорилардан фойдаланади. Юртимизда самарадорлиги исботланмаган дориларнинг импортдаги улуши 42 фоиз. Шифокорлар уларни ҳамон тавсия этаётгани сабабли аҳоли истеъмол қилмоқда.

Шу боис Соғлиқни сақлаш вазирига халқро манбаларда самарасиз ёки самараси ўрганилмаган деб топилган воситаларни клиник протоколлардан чиқариш вазифаси қўйилди.

Барча тиббиёт муассасалари, биринчи навбатда, болалар шифохоналарида антибиотикларни асосли қўллаш бўйича тафтиш ўтказиш топшириғи берилди.

Йиғилишда соҳадаги таълим сифати ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Сўнгги етти йилда тиббиёт йўналишлари қабул қўлаиб, йилга 25 минг талаба ўқишга қиярпти. Уларнинг 40 фоизи хусусий олийгоҳларда ўқимокда. Лекин бу соҳада билим ва кўникмаларни баҳоловчи шаффоф тизим мавжуд эмас.

Шу боис энди тиббиёт олийгоҳлари ва техникум битирувчиларнинг замонавий диагностика ва даволаш усулларини ўзлаштириши шаффоф тизим асосида алоҳида баҳоланади. Бунинг учун Тиббиёт соҳасини баҳолаш миллий маркази ташкил қилинади. Бу тизим ҳозирда ишляётган шифокор ва ҳамшираларга ҳам татбиқ этилади.

Давлат ва хусусий клиникалар эса аккредитациядан ўтади. Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш вазифаси давлат ва хусусий тиббиёт олийгоҳлари, ихтисослаштирилган марказлар ва вилоят муассасаларига берилади.

Соҳада дуал таълимни тўлиқ жорий қилиш, мавжуд клиникаларни уларнинг тасарруфига ўтказиб, олийгоҳларга молиявий мустақиллик бериш зарурлиги қайд этилди.

Умуман, мутасаддиларга тиббиёт тизимида маблағларни тўғри сарфлаш, рақамлаштириш ва суғуртани жорий этиш, тартиб-интизом ўрнатиб, одамларни рози қилиш бўйича топшириқлар берилди.

ЎзА.

ХОТИРА — МУҚАДДАС, ҚАДР — АЗИЗ

Ҳаёт бор экан, авлодлар алмашади, бир-биридан ибрат олади. Шу маънода, Хотира ва Қадрлаш санаси ёшларнинг қалбига йўл очишда, уларга куч ва озуқа беришда муҳим ижтимоий институт бўлиб хизмат қилмоқда.

Муносабат

Бинобарин, Ватан ҳимояси, раванки йўлида халок бўлганлар хотирасини ёд этиш, оғир кунларни сабр-бардош билан енгган инсонларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш ҳаётий қўнимага айланди. 9 майни Хотира ва Қадрлаш кунини тарзида умумхалқ байрами сифатида нишонлаб келаёт-

ганимиз замирида ҳам айнан ана шу эзгу мақсад муҳим. Шу нукта назардан, мамлакатимизда бугунги тинч ва осойишта кунлар учун жонини фидо қилган аждодларимизнинг муқаддас хотирасини ёд этиш, уларга алоҳида эътибор ва эҳтиром кўрсатиш бораси-

да кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг гоёси ва ташаббуси билан Тошкент шаҳрида бунёд этилган Ғалаба боғи халқимизнинг уруш йилларида кўрсатган мардлик ва матонатини, юксак инсоний фазилатларини намоён этиш ҳамда ёш авлодни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётди.

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 80 йиллиги ҳамда Хотира ва Қадрлаш кунига пухта тайёргарлик кўриш, уни юксак даражада ўтказиш мақсадида

қабул қилинган “Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 80 йиллиги ҳамда Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва муносиб нишонлаш тўғрисида”ги Президент қарори ҳам улуг аждодларимизга бўлган эътиборнинг ёрқин намунасидир.

Бинобарин, ушбу ҳужжатга мувофиқ Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига, 1941 — 1945 йиллардаги уруш даврида меҳнат fronti қатнашчиларига бир марталик пул мукофоти ва юбилей медали тантанали равишда топширилади.



1
Хоразм — нафақат мамлакатимиз ёки минтақамиз, балки башарият тарихида юксак ўрин тутадиган ўлка. Бунни билган одам билади, билмаганлар уни республикаимиздаги ўн уч маъмурий ҳудуднинг биттаси, деб ўтиб кетаверади.

Нуфузли манбаларнинг тушунтириш беришича, қадимда Катта Хоразм номи билан аталган давлат инсоният тамаддуни тараққиётида кўҳна Миср, Бобил, Ҳинд давлатчилиги билан беллаша оладиган ўтмишга эга бўлган. У асрлар давомида Ўрта ва Кичик Осиё, Евроосиё халқларининг ўзаро муносабатларида муҳим воситачи вазифасини бажариб келган.

Хоразмда оёққа турган давлатлар нафақат минтақамиз, шу билан бирга, Эрон, Ҳиндистон, Европа халқлари ҳаётига ўз таъсирини кўрсатган. Бу таъсир фақат иқтисодий ёки ҳарбий-сиёсий эмас, балки зеҳний омили билан боғлиқлиги, цивилизацияга дахлдорлиги билан янада аҳамиятлироқ эди. Гапимиз асоссиз бўлмаслиги учун шу ерда америкалик йирик сиёсатчи олим, «Марказий Осиё ва Кавказ» институти директори Фредерик Стардан айна мавзуда бир иқтисос келтирамиз. У юртимизнинг қадим маданияти ва илм-фан, кенгроқ айтганда, биз бугун биринчи Ренессанс, деб атаётган нодир ҳодисани шарҳлаётди бундай дейди: «...800 — 1100 йиллар орасида Марказий осийёлик бу олим, санъатшунос ва мутафаккирлар плеядаси минтақани дунёнинг интеллектуал марказига айлантирдилар. Уларнинг таъсир доираси Шарқий Осиё ва Ҳиндистондан Европа ва Яқин Шарққа таралган эди».

Дарҳақиқат, Хоразм, бугунги «сиёсий тил»да айтганда, ўз даврининг маданий, сиёсий-иқтисодий доминант ўйинчиси — актори ва муносиб кудрати («держава») бўлган. Унинг ҳудуди Амударёнинг қуйи қисмидан Жанубга томон Мурғоб ва Тажан дарёларининг бошланиш қисмигача чўзилган.

Бу ўлка ҳақидаги дастлабки маълумотлар зардуштийликнинг асосий манбаси «Авесто», Доро I нинг Биҳистун тош битиклари, қадимги юнон муаллифлари, араб географларининг асарларида учрайди. Масалан, «Авесто»нинг «Яшт» қисмида Хоразм «Минг ирмоқли дарё», «Қўллар ва ўтлоқларга бой ўлка» сифатида мадҳ этилади.

Абу Райҳон Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгориликлар» асарида шундай ёзади: «Хоразмликлар Хоразмга одамлар жойлаша бошлаганидан тарих олар эдилар. Бу Искандардан 980 йил илгари бўлган эди. Ундан кейин Сиёвуш ибн Кайковуснинг Хоразмга келишидан, Кайхусрав ва унинг наслининг Хоразмга подшоҳлик қилишларидан тарих олдилар. Шу вақтда Кайхусрав Хоразмга кўчиб, турк подшоҳлари (устидан) ҳукмронлигини юргизган эди. Бу воқеа Хоразмга одам жойлашишидан 92 йил кейин бўлди».

Бу шуни кўрсатадики, уч минг йил олдин ҳам Хоразмда бизнинг аждодларимиз яшаган ва бу ерларда давлатчилик маданияти бўлган. Мисол учун, Геродот қадимда Окс (Аму) дарёси бўйлаб 360 дан зиёд сунъий суғориш иншоотлари барпо этилгани ҳақида ёзиб қолдиргани фандан маълум. Бундан ташқари, дастлабки шаҳарсозлик тимсоли бўлган шаҳар-қалъалар — Қалъалиқир, Кўзалиқир, Жонбосқалъа каби олис ўтмишдан сўзловчи археологик иншоотлар Хоразм воҳасидаги қадимий давлатчилик белгилари, десак, ҳеч адашмаган бўламиз.

Бу ўтмиш, албатта. Аммо келажақ доим тарих устига қурилишини ҳисобга олсак, Хоразмнинг асл салоҳияти, шухрати ва қудратини ҳис қиламиз. Аммо, таассуфки, кўпчилигимиз замонлар шиддати дунёга доврўқ солган бу диёрни ўтмиш саҳифаларидан сиқиб чиқаришга ҳаракат қилганига ҳам гувоҳ бўлдик. Олис тарихни қўйиб турайлик, кечаги кунларимизда ҳам «Хоразм» сўзи сиёсий дискурслардан «чекиниб», маиший гурунлардаги ишлатиладиган мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг компоненти — таркибий қисми даражасига тушиб қолганига кўпчилигимиз шоҳидмиз.

Мен яхши эслайман, мустақиллигимизнинг ўтган деярли 25 йилида воҳадагилар «изчил ислохот»лар ҳақида гап кетганда, эски Питнак, ҳозирги Тупроққалъа туманидаги «Дамас» автомобиллари йиғиладиган чоғроққина завод ҳақида гапиришарди, холос. Айниқса, муҳбирга рўбарў келиб қоладиган масъул ёки фаолга бундай пайтларда қийин бўлганини тасаввур қилса бўлади. Чунки мустақилликни улугловчи кўрсатув ёки мақолани жимжимадор қилиб «бе-заб чиқиш»га шу заводдан ташқари арзирли бир гап топиб гапиришнинг ўзи қийин эди. Эҳтимол, шунинг учун ҳам бундан 7-8 йил аввалги Хоразм ҳақидаги кўрсатув ёки мақолаларни кузатсангиз,

ЖИМЛИК ЧИММАТИНИ Ёхуд Президент Шавкат Мирзиёевнинг

гап, асосан, воҳанинг тарихи, санъати ҳақида кетарди...

Бугун эса бу ерда амалга оширилаётган ишларга ҳавас қилмайдиган одамнинг ўзи йўқ.

2
— Вилоятимиз узоқ йиллар эътибордан четда қолгани бор гап, — дейди хоразмлик оқсоқол, Хоразм вилояти «Нуроний» жамғармаси раиси Рустам Султонов. — Мен бировга маломат қиладиган ёшда эмасман. Бу йил 87 га кирдим. Бир гапни очиқ айтаман, эътибор берилмаган, назардан четда қолган одам ҳам, жой ҳам, жайдаричасига айтганда, кўкармайди. Бунинг исботини биз кўрдик. Узоқ пайтлар вилоятимиз марказининг назаридан четда қолди. Бунни тирик жон борки, ҳис қилди. Жамоатчилик орасида аралшиб юрганим учун яхши биламан, 5-6 йиллаб бу ерга марказдан, ҳатто нуфузлироқ тўрт-беш вазир келганини эслай олмаймиз. Гўёки биз унутилдик, ҳаммамнинг эсидан чиқиб қолдик...

Оқибат нима бўлди, кўзимиз билан кўрганимиз — вилоятнинг ҳам, аҳолининг ҳам шўри қурий бошлади. Бир тасаввур қилинг, аниқ бир душман йўқ, ҳеч ким сизни «ёмон кўраман» деб очиқ ёки расмий равишда гапирмайди, аммо аҳвол ҳалигидақа. Ҳаммамиз, сиз ҳам яхши биласиз, мустақиллигимизнинг илк йилларида иқтисодий «кризис» бўлиб, одамларнинг турмуш даражаси тушиб кетди. Ишлай десанг, иш йўқ, одамга ўхшаб яшашга шароит йўқ. Аммо кейин-кейин аҳвол ўзгарди, ҳақиқатиям айтиб қўйшимиз керак, албатта. Баъзи вилоятлардаги аҳолининг туриш-туришини кўриб-эшитиб, очиғи, ҳавас қилардик.

Айтмоқчи бўлган гапим — Хоразм ўша «кризис»нинг оғир ботиқига ботиб қолгандай эди гўё. Кейин нима бўлди деб сўрасангиз, унинг асоратлари янада оғриклироқ бўлди. Одамлар қишлоқ-қишлоқ, маҳалла-маҳалла бўлиб четга — мардикорликка чиқиб кетди. Овулу шаҳрлар ҳувиллаб қолди. Эркакларнинг бари тирикчилик учун кетгач, маҳалларда чолу кампирлар, аёллар ва болалар қолди.

Сизга дахшатли бир ҳодисани айтаман. Майли, ўзимизники бўлса-да, уялмайман. Чунки бу ҳақиқат! Қайси бир йиллари Хива туманидаги Қосма қишлоғида жаноза бўлади. Майитни тобутга жойлагач, уни кўтарадиган битта бўлсин эркак топилмайди...

Энди айтинг, ҳалқ учун бундан ортиқ яна қандай ситам бўлиши мумкин?!

Ҳатто уруш йилларида ҳам бундай бўлмаган, деб ўйлайман...

Одамлар шароит бўлмаганидан кейин иссиқ жойларини, Ватанларини ҳам ташлаб кетишга мажбур бўларкан. Ахир ҳаммаям болам-чақам дейди. Мардикорликдан ташқари, бизда кўп одамлар уйларини ташлаб, бошқа вилоят ва шаҳарларга ҳам кўчиб кетди. Мана, масалан, мен кўп эшитаман, Тошкент атрофидаги ҳудудларда ҳозир хоразмликлар анча кўпайган. Тўғри, бунинг ёмон жойи йўқ — Ватан ҳаммамиз учун битта. Аммо бу ерда гап бошқа масалада. Кетаётган одам қишлоғи ё овулида кўраётган кунидан розилиги учун кетаётгани йўқ... Мен ҳеч кимни ёмон демаган, ўтган кунларни қораламаган (чунки у кунлар ҳам бизнинг тарихимиз) ҳолда бир гапни сизга очиқ айтаман. Мендан яқинларим, ҳатто набираларим Шавкат Мирзиёевни нега бунча яхши кўрасиз, деб сўрашади. Жавобим битта: бу одам Хоразмнинг гурурини, шаънини қайтарди, дейман.

Ўзингиз ўйланг, давлат теласига келганига етти йил бўлган бўлса, Хоразмга бу галгиси, адашмасам, ўн иккинчи сафари бўлади. Яна ҳар келганида қуруқ қўл билан эмас, шу элга наф берадиган, одамларимизнинг турмушини фаровонлаштирадиган таклиф ва ташаббуслар билан келади. Триллионлаб маблағлар, чет эллик ҳамкорларни бу ёққа олиб келиб, вилоятимиз ободлиги, одамларимиз фаровонлиги учун ишлатиш ўзидан ўзи бўладиган иш эмас-ку!

Мен Шавкат Миромонович Хоразмнинг шаъну шавкатини қайтарди, деганимда яна бир чуқур ўйни ҳаёлимдан ўтказдим. Бу — воҳанинг тарихи, қадриятлари, маданияти ва санъати билан боғлиқ. Бу инсон 2022 йилда Урганчда Жалолиддин Маъмунийнинг жуда улкан ҳайкалини ўрнатиб, унинг пойида сўзлаганда кўзига ёш олмаган асл Хоразм фарзанди қолди, деб ўйлайсизми?! Холбуки, Жалолиддиннинг номи ҳам, жасорати ҳам неча асрлардан буён бор эди. Ватанимизнинг бу ёвқур ўғлони кўрсатган жасорат нафақат Хоразмнинг, балки минтақамиз, қолаверса, бутун туркий дунёнинг фахри эди.

Ана шу кўмилиб ётган жавоҳир, тарихнинг синдириб бўлмас адолатини ким тиклади? Шавкат Мирзиёев! Шунча ишни қилган ватандошимни, Юртбошимни қандай яхши кўрмаслигим мумкин, ахир?!

3
Очиғи, оқсоқолнинг гаплари мени жуда таъсирлантирди.

Тўғри, Президентимиз бу ерда олиб

бораётган комплекс ишлар бўйича, озми-кўпми, хабаримиз бор эди. Аммо кўпчилик қатори бу ишларга фақат вилоятнинг маиший-иқтисодий аҳолини яхшилаш сифатида қараганим хато эканини шу суҳбатдан кейин тушундим. Шавкат Миромонович масаланинг ичига чуқуროқ кирган экан. Яъниким халқнинг рўзгорини бутлаш билан бирга, унинг қадр-қиммати, гурурини ҳам жойига қўйиш, маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни ҳам дилига туккан экан.

Шу ўринда мен Президентнинг «Арда Хива» очилиш маросимида қилган нутқидан бир неча иқтибос келтирмоқчиман. Зеро, улар мазмун-моҳиятига кўра, ҳозир мулоҳаза қилаётган фикрларимизни баҳоли кудрат қўллаб-қувватлайди.

Мана, улар:
«Хоразм дунё цивилизацияси ва маданиятига бебаҳо ҳисса қўшган Шарқ гавҳаридир. Бу кўҳна юрт жаҳонга донғи кетган не-не олиму фозиллар, саркарда ва султонлар, азиз авлиёлар, бетакрор шоир ва ҳофизлар Ватанидир.

Илм-маърифат машъаллари бўлган Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Пахлавон Маҳмуд, Огаҳий, ватанпарварлик тимсоли бўлган Нажмиддин Кубро ва Жалолиддин Мангуберди сингари улуг зотлар халқимизнинг фахру ифтихоридир...».

«Биз аждодларимиз қолдирган бекиёс илмий-маънавий меросни асраб-авайлаш, бойитиш ва дунёга кенг тарғиб этишни ўз олдимизга улуг мақсад қилиб қўйганмиз. Шу боис Маъмун академияси биноси олдидаги 2 гектар боғ «Буюк алломалар» номли очиқ осмон остидаги «смарт» музейга айлантирилади. Шу асосда Хоразм юртида камол топган ўнлаб мумтоз аждодларимизнинг ибратли ҳаёт йўли, бой ижодий мероси интерактив усулда бир нечта хорижий тилларда сайёҳларга тақдим этилади.

Кун кеча Урганч шаҳрида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги янги университет ва IT мактабини ташкил этиш бўйича алоҳида қарорни имзоладим. Аминманки, бу таълим даргоҳлари бўлғуси хоразмийлар, берунийлар билим оладиган ўқув масканларига айланади».

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан янграган айна сўзлар қадим Хоразмнинг буюк тарихи, ўз даврида инсоният йўлини ёритган интеллектуал салоҳиятининг ҳақли маънода эътироф

этилишини, бу нодир неъматларга ҳурмат бажо келтирилишини англатади, албатта. Ушбу мулоҳазалар тасаввуримда бир манзарани пайдо қилади. Бу бугунги янги дунёда қадим диёрнинг маънавий жиҳатдан қайта кашф этилиши, тугилиши билан боғлиқ ўй-фикрлардир.

Мен сўзимнинг аввалида Фредерик Стар мақоласидаги иқтибосни бежиз келтирмадим. Америкалик олим айна сўзлари билан бу ўлка халқлари ўз ақл-идроки, зақоси билан вақтида дунёни измига бўйсундирган, ортидан эргаштирилган, бироқ ҳозир бу ерларда саҳронинг оғир бир сукунати ҳукмрон, аммо вақт келадик, бу чўккан «жимлик чимматини»ни бир кун яна куч-қудрат салобати, илму зиё нури ёриб чиқади, фақат бунинг учун тарихий зарурат ва кучли бир шахснинг қатъияти керак, деган фикрга ишора қилади.

Бугун биз яна бир нарсадан шодланишимиз керакки, ўша кунлар келди. Муҳтарам Шавкат Мирзиёев бугун ўз гайрату шижоати, қалбидagi шу халққа бўлган сўнмас муҳаббати билан айна тарихий «жимлик»ни бузишга, сўнган чирокларни қайта ёқишга, ўтмишда бо-боларимиз забт этган манзилларни қайта эгаллашга барчамизни илҳомлантирмоқда, десам, тўғри айтган бўламан.

4
Мен Хоразмнинг бугунги замон адиблари орасида машҳур шоиримиз Омон Матжоннинг номини алоҳида тилга оламан. Унинг «Қуёш соати» номли китоби-га киритилган бир шеъри мени мудом ҳам ўйга толдиради, ҳам фикрий ҳассослиги жиҳатидан ҳайратлантиради. Ўша шеърда шоир «Нега Хоразмда тоғлар йўқ?» деган саволни ўртага қўйиб, «Хоразмда тоғлар йўқ эмас, бор. Хоразм тоғлари воҳани тонгда қуёшдан тўсиб қўймаслик учун одамлар қиёфасида яша-шади! Ва улар — Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Пахлавон Маҳмуд, Огаҳий, Ферузлардир», дея жавоб беради.

Ушбу шеърни мен айна дамда бекорга ёдга олмадим. Зотан, истеъдодли шоиримиз ўз асарида Хоразмнинг тоғлари сифатида тизиб чиққан рўйхатга бугун биз чексиз гурур ва ифтихор билан яна бир тоғ — воҳанинг тарихий қалбини, шавкатини, шонини қайта тиклаётган Шавкат Мирзиёев номини ҳам қўшиб қўйсак, айна ҳақиқат бўлади, деб ўйлайман. Бунинг учун маънавий асос бўлиб хизмат қилувчи мулоҳазаларни юқорида айтиб ўтдик.

Шоирнинг бир вақтлар ёзган шеърини



ЁРИБ ЧИҚҚАН НУР

Хоразмга ташрифидан кейинги ўйлар

тахрирлаш учун бошқа асосларимиз ҳам бор. Бу, ўлкада бугун кечаётган ободончилик, яратувчилик, элни рози қилиш йўлидаги хайрли ташаббуслар билан боғлиқ мулоҳазалардир. Айни замонда Қизилқум ва Қорақум саҳроларига туташ заминда улкан яратувчилик ишлари амалга оширилмоқдаки, буни, албатта, вилоятга келган одам останаданоқ пайқайди.

Остона, деб шартли маънода атаётганимиз — Урганч халқаро аэропорти ва унинг биқинида қад ростлаётган Ал-Хоразмий шаҳарчаси бу гапимизга аризли мисол бўла олади.

Мен Урганчга жуда кўп борганман ва аэропортида ҳам кўп бўлганман. Аммо унинг биқинида шундай мухташам шаҳарча бунёд этилади, деган фикр ҳеч маҳал ҳаёлимга келмаган. Бугун бу ерда нафақат шаҳарча бунёд этилаётир, балки аэропортнинг ўзи ҳам қайта реконструкция қилинмоқда. Корея Республикасининг «Incheon International Airport Corporation» компанияси умумий қиймати 223 миллион АҚШ доллари бўлган лойиҳа доирасида катта ҳажмдаги ишларни бошлаб юборган. Бундан мақсад битта: вилоятда туризм салоҳиятини ошириш, халқимизга намунали авиация хизматлари кўрсатиш.

Қолаверса, юқорида айтганимиздек, аэропорт биқинидаги 130 гектардан зиёд ҳудудда мухташам шаҳарча бунёд этилади. Яъни бу ерда келгусида технопарк ва офислар, тиббиёт ва маданият марказлари, хийбонлар, мактаб ва богчалар, спорт мажмуалари, савдо ва маиший бинолар бўлади. Шаҳарча марказида улуғ бобомиз Ал-Хоразмийнинг қарийб 31 метрдан иборат муаззам ҳайкали ўрнатилади.

Айни вақтга қадар ушбу ҳудудда 72 та кўп қаватли уй қурилиб, 1 773 та хонадон аҳоли ихтиёрига топширилди. Бу йил яна 1000 хонадонли 28 та тураржой қурилиши белгиланган. Яқин истиқболда уларнинг сони 5 мингдан ортади.

Аслида сайёҳларнинг илк таассуроти аэропортдан шаклланади. Бинобарин, Урганч халқаро аэропортини модернизация қилиш, унинг ён-атрофида замонавий типдаги интеллектуал ҳудудни барпо этиш воҳа аҳлига қулайлик яратибгина қолмай, ҳаво кемаларида Хоразмга, демакки, Ўзбекистонга учиб келаётган меҳмонларнинг мамлакат ҳақидаги тасаввурларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш зарур: бугун Хоразм аҳли ва меҳмонларига яратилаётган қулайлик ва имкониятлар фақатгина вилоятнинг рамзий остонаси

— аэропорт бўсағасида қолиб кетгани йўқ. Унинг жадал ва илҳомбахш суръатлари вилоятнинг барча соҳа ва жабҳаларида ўз аксини кўрсатяпти.

Хусусан, воҳа аҳлининг асрий орзу-умиди бўлган темир йўл транспорт-коммуникация тизими Президентимизнинг фаол саъй-ҳаракатлари билан изчил рўёбга чиқа бошлади. Биргина Шовот — Гурлан — Қипчоқ темир йўлининг ишга туширилиши натижасида Россия ҳамда Қозоғистондан юкларни ташиш масофаси 240 километрга, вақти эса 6 соатга қискарди. Бухоро — Урганч — Хива темир йўлини электрлаштириш муваффақиятли яқунланди. Келгусида Жанубий Кореянинг «Hyundai Rotem» компаниясидан юқори тезликда ҳаракатланувчи 6 та электропоезд харид қилиниб, Тошкент — Хива йўналишида қатновлар йўлга қўйилади. Натижада Тошкентдан Хивага бориш учун оддий поездда сарфланаётган 14 соатлик вақт 7 соатгача, яъни икки баробар қисқаради.

Вилоятда темир йўл транспорти билан бирга, ички йўналишлардаги жамоат транспортининг ҳам хизмат сифати яхшиланиб борапти. Масалан, ўтган йили Хитойнинг «Zhongtong» компаниясида ишлаб чиқарилган 50 та замонавий автобус келтирилди. Ушбу автобуснинг сиғими 70 кишилик бўлиб, Wi-Fi ва кузатув камералари билан жиҳозланган ҳамда ногиронлиги борлар ва кексалар учун ҳам қулай. Эътиборлиси, бундай шароитлар транспорт етишмовчилиги ва кўчаларда тирбандликнинг олдини олиб, фуқароларнинг эркин ҳаракатланишига хизмат қилмоқда.

Албатта, бу ҳали ҳаммаси эмас. Вилоятда тадбиркорларга яратилаётган мислсиз имкониятлар туфайли йирик ишлаб чиқариш корхоналари билан бирга, яқка тартибдаги ишбилармонлар, ўзини ўзи банд қилган аҳоли сони ҳам кундан-кунга ортиб бормоқда.

Мебелсозлик шулар жумласидан. Бугунги кунда вилоятда 300 дан ортиқ корхоналар шу фаолият билан шуғулланади. Соҳадаги яқка тартибдаги тадбиркорлар 200 дан ортиқ, 1 минг 300 дан зиёд аҳоли ўзини ўзи банд қилган. Лекин уларнинг кўпчилиги тор жойда, ноқулай шароитда ишларди.

Ҳозир эса шароит бутунлай ўзгарди — давлатимиз раҳбарининг мебель саноатини ривожлантиришга оид қарорига мувофиқ, Хонқа туманидаги 10 гектар ерда мебель маҳсулотларини кластер усулида ишлаб чиқариш, кўрғазма ва савдо объектларини ўз ичига олган саноат зо-

наси ташкил этилди. Пировардида бу ерда Германия, Италия, Швейцария, Туркия, Хитой каби давлатлардан келтирилган замонавий дастгоҳлар ўрнатилиб, қиймати 10 миллион доллардан иборат 61 та корхона фаолият бошлади. 650 киши эса иш билан таъминланди.

Айтиш жоизки, саноат зонасида энергия самарадорлигига ҳам алоҳида аҳамият қаратилган. Муҳими, бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ташқи бозорларга ҳам йўналтирилиб, 3 миллион доллардан зиёд экспорт қилиниши мўлжалланган.

Мени Хоразмда илҳомлантирган энг муҳим воқеалардан бири — Президентимизнинг Хонқа туманидаги «Собиржон Юсуф» оилавий фермер хўжалиги раҳбари Ойимжон Отажанова билан учрашгани бўлди. 73 ёшга кирса-да, ер билан «тиллашиш»дан, «диллашиш»дан асло чарчамаган бу аёл, айтиш мумкин бўлса, Ўртбошимиз илгари сурган ташаббус — томоркачилик сиёсатининг ёрқин намунаси, десам, янглишмаган бўламан.

Президентимизнинг машҳур бир ибораси бор. У киши узоқ йиллар амалга ошмай ётган ташаббуслар ижобатини кўрганда, одатда, кўнгли қувончга тўлиб, шу иборани қўллайди: қилса бўлар экан-ку! Мен опанинг ғайрати, хўжалигидаги ишлар қўлами ва унумини кўрганимда шу гап ҳаёлимда жонланди. У бугун ўз хўжалигига қарашли 3 гектар майдонда мева-вали ва манзарали дарахт кўчатлари етиштиради. Яна икки гектарида богдорчилик билан шуғулланади. Қолаверса, 12 сотихли иссиқхонада 40 турдаги гул кўчатларини парвариш қилади. Иссиқхона замонавий сув тежамкор технологиялар билан таъминланган бўлиб, унинг ҳар бир бўлимида кўчатларнинг тури ва хусусиятидан келиб чиқиб зарур микроклим яратилган.

Серғайрат бу аёл йилига 50 минг туپдан ортиқ кўчатлар ўстириб, сотувга чиқаради. Ҳозир улар қўшни ҳудудлар, Қозоғистон ва Туркманистонга ҳам етказиб берилмоқда. Йиллик даромад ёмон эмас — нақд бир миллиард сўм!

Фидойи миришкорнинг ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлашдаги ҳиссаси ҳам катта экан. Ҳозиргача унинг 200 дан ортиқ шогирдлари бор. 300 нафар ишсиз фуқарога кўчатчилик сирсиноатларини ўргатиб, маҳалласидаги 70 фоиз хонадон билан касаначиликни йўлга қўйган.

Шу ўринда бир гапни айтмай, Ойимжон опа ёрдамида бугун ҳаётда ўз йўлини топган ўнлаб хотин-қизлар бор. Уларнинг

аксарияти бир пайтлар хорижга мардикор сифатида чиқиб кетиб, қийин аҳволга тушиб қолганди.

Энди бир ўйланг, Хоразмда Ойимжон опадек аёллар, инсонлар биттами? Йўқ, улар кўпчиликини ташкил қилади. Ўнлаб-юзлаб яратилаётган янги иш ўринларига ишсиз аҳоли қамраб олинмоқда. Ҳа, бугун хоразмликлар аста-секин олис ўлкалардан юртга қайтмоқда. Президентимиз сиёсатидаги инсоний принципларнинг асл ўзакларидан бири ҳам шу аслида.

5

Буюк ренессанслар маданиятлараро мулоқотлар орқали ҳосил бўладиган ҳодиса, дейишади олимлар. Бу, бор гап. Тарихимизни қарасак, ўтмишда юз берган икки Уйғониш даври ҳам ривожланган давлатчилик паллаларига тўғри келади. Буюк Ипак йўли чоррахасида жойлашган Ватанимиз қачонки, савдосотиқ, туризм, борди-келдиларга очик бўлган замонлардагина бу ҳодиса юз кўрсатган. Чунки бу ўлкага келаётган савдогар ҳам, сайёҳ ҳам, ҳеч шубҳасиз, ўзи билан бирга ўз маданиятини олиб келади ёки аксинча. Шунинг учун ҳам бугун Президентимизнинг дунё давлатлари билан олиб бораётган дўстона муносабатлари, туризмга ривожланишимизнинг асосий драйвери сифатида баҳо бераётганининг асл сабаблари шу ерда, десак, тўғри бўлади, назаримда.

Хоразм ҳам мамлакатимиз туризм гавҳарларининг бир шодаси. Шунинг учун кейинги йилларда вилоятда айни соҳага юксак эътибор қаратилаётир ва ютуқлар ҳам ёмон эмас.

Буни ҳудудга хорижий сайёҳларнинг ташрифи етти-саккиз йил олдинги даврадагига нисбатан 30 баробар кўпайганида ҳам кўриш мумкин. Соҳадаги ўзгаришлар ҳисобида бугун вилоят туризм хизматлари экспорти 2017 йилдаги 7 миллион доллардан ўтган йили 380 миллион долларга етди.

Тасаввур қилаясизми, ўртадаги фарқ 8 йил ичида қарийб 55 баравар ортган. Албатта, бу рақамлар қандай заҳматли саъй-ҳаракатлар эвазига зоҳир бўлаётганини барчамиз кўриб, билиб, ҳис этиб турибмиз. Бинобарин, бугун кўҳна кент ичра қад ростлаган яна бир бетакрор шаҳар — «Арда Хива» ана шу саъй-ҳаракатларнинг маҳсулидир, десак, сира хато бўлмайди.

Эсимда, илгари Хоразм туризми ҳақида гап кетганда кўпчиликнинг ҳаёлига фақатгина Ичан қалъа келар эди. Бироқ кейинги вақтларда бу борадаги та-

саввурлар бутунлай ўзгарди. Вилоятда туризмни ривожлантиришга алоҳида стратегик йўналиш сифатида қаралиб, тарих ва замонавийликини ўзида мужассам этган йирик туристик мажмуалар барпо қилинди. Сайёҳлар учун қирқдан ортиқ туристик йўналишлар ишлаб чиқилиб, уларнинг сони юзтага етказилди.

Дарвоқе, «Арда Хива» ўзида тарих ва бугунни уйғунлаштирган меъморий ечими билан ноёб лойиҳа саналади. У 25 гектарлик паст унумли, шўрхок майдонда қурилган бўлиб, унинг меъморий ечими Ичан қалъаникига ўхшаб кетади. Фақат уларни битта фарқ ажратиб туради — бунёд этишга кетган муддат. Ҳаммамиз яхши биламизки, Ичан қалъа хонликлар замонида асрлар давомида қурилган. «Арда Хива» эса атиги 9 ойда барпо этилди.

Йилига 3 миллион нафар сайёҳни қабул қилиш имконига эга ушбу мухташам халқаро туристик масканда 17 та меҳмонхона ва меҳмон уйлари, 9 та ресторан, очик ва ёпиқ аквапарклар, 3 минг ўринли амфитеатр, 5 та кино ва концерт зали, кўрғазмалар павильони, 70 та дўкон, 300 та савдо растаси, 11 та хунармандлар уйи, Шарқ бозори ва заргарлик маркази, фавворалар, соҳил бўйи йўлаги бор. Айниқса, унинг бир томони 150 гектарлик Фовук кўлга туташиб кетгани лойиҳани сайёҳлар учун янада жозибадор кўрсатишга хизмат қилади. Президентимиз таъбирлари билан айтганда, «Ичан қалъа» тарихий бўлса, «Арда Хива» Хоразмнинг замонавий «таширф қорғози» бўлади.

Маълумот учун айтиш ўринлики, яқин истиқболда Хива туманида «Арда Хива» сингари яна бир мажмуа — «Сахро юлдузи» номли янги туристик комплексни барпо этиш режалаштирилган. Унда меҳмонхоналар, кўнгилочар марказлар, гастрономик ва савдо кўчалари, музейлар, экоуйлар, ёзги лагерь, экстремал туризм жойлари бўлади.

Шунингдек, Тупроққалъада чўл ҳудудидаги 5 минг гектар ерда сафари ва ов туризми ривожлантирилади. Урганч шаҳри, Шовот, Қўшқўпир, Хива ва Ҳазораспдан оқиб ўтадиган Ғазовот, Полвон, Шовот каналлари бўйларида 50 миллион долларлик 80 та хизмат кўрсатиш, савдо-кўнгилочар объектлари ишга туширилади. Боғот, Гурлан, Янгибозор ва Урганч туманларида туризм қишлоқлари ташкил этилади. Қисқаси, буларнинг барчаси вилоят туризми ривожига янги саҳифа очиси аниқ.

Хоразмга ташрифи давомида давлатимиз раҳбари ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича «Йўл ҳаритаси»ни ҳам белгилаб берди. Хусусан, воҳанинг энг чекка тумани — Тупроққалъада йирик газ-кимё мажмуаси, Ҳазораспда кимё, Қўшқўпирда «Ўзбекистон — Хитой» технопаркларини қуриш, шунингдек, Тупроққалъадаги автомобиль заводидида «Евро-5» стандартига жавоб берадиган автомобиль ишлаб чиқариш, иқтисодийёт соҳасида эса ялпи ҳудудий маҳсулотни 60 триллион сўмдан ошириб, 265 минг аҳолини иш билан таъминлаш, 104 минг одамни камбағалликдан олиб чиқиш вазифаси қўйилди.

Албатта, статистика — бу статистика, деб қарайдиган одамлар бугун ҳам орамизда бор. Аммо унинг ҳаётдаги аксини кўрганда ҳеч ким бу маълумотларни рад этолмайди. Бугун Хоразм воҳасидаги ҳаёт ритми шундай ишонч устига қурилмоқда. Шаҳару қишлоқлар, овулу маҳаллаларда одамлар гавжумлашмоқда, йўқотилган ишонч тикланмоқда. Муҳими, одамларимиз буни ўз турмушларида ҳис этишмоқда.

Мақоламизда вилоят оқсоқоли Рустам оғанинг ғамгин ҳикоясини келтирган эдик. Аммо у биз айтмоқчи бўлган мулоҳазаларнинг лейтмотиви эмасди. Бу фикрни у кишининг ўзлари ҳам «Мен ўтган замондан ёки кимдандир маломат қилмайман», деган мазмунда айтиб ўтди. Бизнинг асосий ва қайта-қайта такрорламоқчи бўлган фикримиз шунда эдики, буюк ишларни фақат буюк қалб эгалари қила олади. Айни ўйларимизни Президентимизнинг Хоразмга ташрифи давомида гурланлик ўқитувчи, Ўзбекистон Қаҳрамони Анор Маҳмудова образли тарзда жуда чиройли ифода этди: «Ўзбекистонимизнинг меҳр қуёши, Президентимиз бугун биз билан бирга». Буюкларимиздан қолган бир гап бор: халқ ўз қаҳрамонларини танийди ва севади! Ҳа, шундай!

Қудратилла РАФИҚОВ, сиёсатшунос.



ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШДАН УНИНГ ОЛДИНИ ОЛГАН АФЗАЛ

Аввал хабар берганимиздек, Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳудудларда бўлиб, ўрганиш ишларини олиб борапти.

Кеча Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қутбиддин Бурҳонов бошчилигидаги ишчи гуруҳ томонидан жойларда жиноятчиликка барҳам бериш ва криминоген вазиятни барқарорлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати кўриб чиқилди.

Сенатор ва ҳаёт

Жумладан, ишчи гуруҳ Тошкент вилояти прокуратураси ва ИИББ масъул ходимлари билан ҳамкорликда Оҳангарон туманидаги бир қатор маҳаллаларда бўлиб, ҳудуддаги криминоген вазиятни барқарорлаштириш, “маҳалла еттилиги” фаолиятини самарали ташкил этиш, шунингдек, коррупцияга шароит яратувчи омилларга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати билан қизиқди.

Ўрганишлар давомида “маҳалла еттилиги” томонидан муаммоли ва нотинч оилаларнинг аниқ манзилли рўйхатини шакллантириш, оиладаги маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар таҳлил қилиниб, мавжуд камчиликлар юзасидан танқидий муҳокамалар ўтказилди. Ўз навбатида, масъул раҳбар ва мутасаддиларга аниқ тавсия ҳамда кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, Олий Мажлис Сенатининг Суд-хуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши ку-

рашиш қўмитаси раиси Абдулҳаким Эшмуратов бошчилигидаги ишчи гуруҳ ҳам Тошкент шаҳрининг Чилонзор, Учтепа ҳамда Янгиҳаёт туманларида бўлиб, бир қатор масканларда, маҳаллаларда мавжуд ҳолат билан яқиндан танишди.

Ўрганишлар доирасида мазкур туманлардаги криминоген вазият таҳлил қилиниб, жиноятчиликнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган омиллар, муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган чораларга эътибор қаратилди.

Хусусан, криминоген вазият оғир бўлган — “қизил тоифа”га киритилган маҳаллаларда профилактика тизимининг ҳолати кўздан кечирилди. Жиноят содир этишга мойил, профилактика ва тиббий рўйхатларда турган фуқаролар билан суҳбатлар ўтказилиб, уларни ижтимоий ҳаётга қайтаришга қаратилган аниқ амалий тадбирлар белгилан олindi.

“E-jitmoiy profilaktika” электрон ахборот тизимидан самарали фойдаланган орқали “маҳалла еттилиги” ўртасида ахборот алмашинуви ва ҳамкорлики кучайтириш муҳимлиги таъкидланди. Мазкур тизим жойларда профилактика ишлари натижадорлигини оширишда муҳим восита экани қайд этилди.

Ўрганишлар давомида сенатор жиноятчилик ва коррупциянинг олдини олиш, профилактик фаолиятни янада тизимли ва самарали ташкил этиш юзасидан ҳудуд мутасаддиларига тегишли кўрсатмалар берди. Аниқланган камчиликлар асосида бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилан олindi, тегишли идора ва ташкилотлар учун таклиф, тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

Коррупциянинг олдини олиш:

МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШДА ИНСОН ОМИЛИГА ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ



Тижорат банклари томонидан банк кредитлари ажратилишида очиклик ва шаффофлик принциплари риоя этилмаётгани, банк қонунчилигига зид равишда имтиёзли кредитлар берилгани каби коррупциянинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган айрим ҳолатлар бўйича халқ вакилларининг саволларига мутасаддилар тушунтириш берди.

Йиғилиш давомида Ҳисоб палатаси томонидан 6 та тижорат банкида ўтказилган аудит тадбирлари натижалари ҳам муҳокама қилинди. Унга қўра Тикланиш ва тараққиёт жағмагарамидан хизматлар соҳасини ривожлантириш учун ажратилган 858,3 млрд. сўмлик кредитларнинг 140 млрд. сўми кредитлар бўйича тизимли мониторинг ўрнатилмагани сабабли муаммоли кредитга айланган.

Бундан ташқари, кредит ҳисобига сотиб олинган 176 млрд. сўмлик асосий воситалар қарздорларнинг балансига кирим қилинмаган. Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида ажратилган кредитлар бўйича 1,7 трлн. сўмлик муаммоли ҳамда банк харажатлари ҳисобига баланسدан чиқарилган 2,9 трлн. сўмлик самарасиз кредит қарздорликлари мавжудлиги аниқланган.

Депутатлар тижорат банклари томонидан миқозларга молиявий хизматлар кўрсатиш борасида бир қатор тақлифлари илгари сурди. Хусусан, Президентимизнинг 2025 йил 21 апрелдаги Фармонида мувофиқ, тижорат банклари томонидан имтиёзли кредит ажратиш фаолиятида коррупциявий омилларни бартараф этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишда, аввало, бу борадаги хорижий тажрибани ўрганиш, молиявий хизматлар кўрсатишда сунъий интеллект имкониятидан кенг фойдаланиш, хизматларни рақамлаштириш орқали банк миқозларига кўрсатиладиган хизмат турларини кенгайтиришга оид таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Йиғилишда иштирокчилар жаҳон молия бозорида рақамлаштириш орқали янги хизмат турлари вужудга келаятгани, молиявий секторда инсон аралашувини камайтириш орқали хавфсиз, тез ва миқозга йўналтирилган хизматлар яратиш, финтех экотизимини шакллантириш ва “open banking” электрон молиявий хизматлар тизимини жорий этиш орқали соҳада коррупция ҳолатларини қисқартириш мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда, тизимли чора-тадбирларни ишлаб чиқишга келишиб олindi.

Анжуманда кун тартибидagi масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

МАҚСАДЛИ ИНДИКАТОРЛАР ҲОЛАТИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси томонидан Мактабгача ва мактаб таълими, Олий таълим, фан ва инновациялар ҳамда Спорт вазирликлрининг “Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан фойдаланиши билан боғлиқ мақсадли индикаторларнинг бажарилиши тўғрисида”ги ахборотлари эшитилди.

Депутатлар дастлаб Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг мақсадли индикаторларнинг бажарилиши ҳолати юзасидан ҳисоботини кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, вазирлик 5 та дастур доирасида 17 та индикаторни бажариши учун йил бошида 46 647,4 млрд. сўм маблағ режалаштирилган бўлиб, 2024 йилда режа 49 379,4 млрд. сўмга аниқлаштирилган ва ҳисобот даври якунига қўра харажатлар 49 231,9 млрд. сўмни ташкил этган. Шунга қўра вазирлик томонидан мақсадли индикаторларнинг 14 таси тўлиқ ва 3 таси қисман бажарилган.

Вазирлик ва тизим ташкилотлари томонидан хорижий тил бўйича камид “В2” даражадаги халқро таълим олинган ёки унга тенглаштирилган миллий сертификатга эга бўлган хорижий тил ўқитувчилари улуши 59 фоизга етказилган. Мактабгача ёшдаги 77 фоиз болалар мактабгача таълим билан қамраб олинган бўлса, шундан нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари билан қамраб олиш даражаси 31 фоизни ташкил этган.

Умумтаълим мактабларининг 79 фоизи замонавий компьютер синфи тўплами билан таъминланган бўлса, бирламчи спорт жиҳозлари тўплами ва миллий чолғу асбоблари билан таъминланиш даражаси 100 фоизга етказилган.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан ҳам мақсадли индикатор ижроси юзасидан қатор ишлар амалга оширилган.

Жумладан, мақсадли индикаторларнинг 23 таси тўлиқ, 2 таси эса қисман бажарилган.

Депутатлар 2023/2024 ўқув йилида республика умумтаълим мактаблари ва академик лицейларни таъминлаган жами 424 530 битирувчида 186 374 нафари давлат ҳамда нодавлат, хорижий олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларига ўқишга қабул қилинганини, умумтаълим мактабларининг 594 181 нафар 9-синф битирувчисидан 123 133 нафари касб-хўнар мактабларига қамраб олинганини эътироф этди. Шу билан бирга, талабаларни тураржой билан таъминлаш борасидаги ишларни янада жаддалаштириш кераклигини таъкидланди.

Ҳисобот йилида Спорт вазирлигига 8 та дастур доирасида 20 та индикаторни бажариш учун йил бошида 750,1 млрд. сўм режалаштирилган бўлиб, режа 738,4 млрд. сўмга аниқлаштирилган ва йил якунига қўра харажатлар 737,1 млрд. сўмни ташкил қилган.

Муҳокамадор давомида депутатлар томонидан вазирлик мутасаддиларига ҳар йилги Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлардан самарали фойдаланиш, бунда мақсадли индикаторлар ижросига қаратилган аниқ чора-тадбирларни белгилан олиш ва уни мунтазам амалга ошириш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар берилди.

Шу билан бирга, қисман бажарилган ёки бажарилмай қолган мақсадли индикатор кўрсаткичларини чуқур таҳлил қилиш, уларнинг ижроси тўғрисидаги қоралик ҳисоботларни тизимли назоратга олиш ва бу борадаги ишлар сифатини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда кун тартибидagi масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Мулоҳаза

ОРЗУЛАР ИЖОБАТИ

Хоразм Ўзбекистоннинг тарихий ва маданий марказларидан бири сифатида ўзининг бой мероси ва замонавий ривожланиш салоҳияти билан инсоният эътиборини тортди келади. Сўнгги йилларда вилоятда туризм, саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида катта ўзгаришлар амалга ошириляптики, бу Хоразмни глобал миқёсда муҳим ҳудудга айлантirmoқда.

Президентимизнинг ҳар галги Хоразмга таърифи нафақат иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга, балки маънавий-маърифий соҳага ҳам катта туртки беради. Амалга оширилиши шарт бўлган бунёдкорлик режалари-га тамал тошлари қўйилди.

Бугун Хоразм туризм, саноат ва қишлоқ хўжалигида улкан салоҳиятга эга бўлиб, ўз тарихий мероси ва замонавий инфраузилмаси билан дунё эътиборини жалб қилмоқда. Қадим воҳанинг туризм соҳасидаги имкониятларига назар ташлайдиган бўлсак, 2015 йилда вилоятда туризм хизматлари экспорти 5 млн. долларни ташкил этган, ўтган йили бу кўрсаткич 380 млн. долларга етган. 2024 йили вилоятга 1,3 млн. нафар хорижий сайёҳ таъриф буюрган бўлса, бу йил уларнинг сонини 2 млн.га, маҳаллий сайёҳларни 10 млн.га етказиш мақсад қилинган. Бунда нафақат тарихий ёдгорликлар ва туризм инфраузилмаси, балки халқимизнинг олийжаноб фазилати — меҳмондўстлиги ҳам асосий омил бўлмоқда.

Президентимизнинг 1-2 май кунларидаги таърифи давомида Хива шаҳридаги “Арда Хива” халқро туризм марказининг очилиши вилоятнинг туризм салоҳиятини кенг намоён этиб, соҳани янада ривожлантириш йўлидаги шахдам қадамлардан бўлди, десак, муболага эмас.

Маъмура шаҳар ичидаги шаҳарни эслатади. Чўки 25 гектарлик майдонга қурилган ушбу сайёҳлик обидасида туристлар учун барча имконият ва шароит яратилган. Қисқа фурсатда шаҳарчага қадимий давр руҳини берувчи бинолар, минг ўринли меҳмонхона, очик ва ёпиқ аквапарк ва аттракционлар барпо этилди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Эндиликда “Хоразм ва Қорақалпоғистонда туризм ягона концепция асосида ривожлантирилиши ва “Хоразм — Қорақалпоғистон” туристик халқаси лойиҳаси ишлаб чиқилади”, дея таъкидлади Президентимиз Хива шаҳридаги “Арда Хива” сайёҳлик марказининг очилиш маросимиди.

Хива шаҳрига темир йўл тортилиб янги вокзал қурилгани, Бухоро — Урганч — Хива темир йўли тўлиқ электрлаштирилгани ва 2026 йилда ушбу йўналиш бўйлаб Жалолиддин Манғуберди номи билан аталадиган замонавий теъзорар поездлар қатнови йўлга қўйилиб, келгусида Нукусга қадар бориши халқимиз орзуларининг амалдаги ижобати бўлди.

Ушбу хайрли ташаббус, шубҳасиз, юртдошларимизни чексиз қувонтирди ва ўз навбатида, янгида-янги марралар сари илҳомлантирди, десак, аини ҳақиқат.



Баҳром АБДУЛЛАЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси.

ХОТИРА – МУҚАДДАС, ҚАДР – АЗИЗ

Ўрушдан жабр кўрган 1 миллион 500 мингдан ортиқ кексалар, аёллар ва болалар республикамизга қўчириб келтирилган бўлса, уларнинг 200 мингдан зиёди ота-онасидан айрилган етим болалар бўлган. Ўзбекистонлик меҳмондўст, болажон инсонлар уларни фарзандликка олиб, бир бурда нонини ҳам баҳам қўришган.

Бугунги кунда Хотира ва Қадрлаш куни чи-накам миллий-умумхалқ байрамига айланди. Бу байрамда Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотириланади. Мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хоти-раси олдида ҳурмат бажо келтирилади. Бу бежиз эмас. Чўки инсон бор экан, хотира муқаддас. Ҳеч ким, ҳеч нарсга эсдан чиқмайди. Халқ бугунги тинч-хотиржам замонни асраб-авайлаш, қадрига етиш учун ҳам уруш қаҳрамонларини, ғалабага муносиб ҳисса қўшган ҳар бир инсонни хотирасида мангу сақлайди.

Зеро, хотира — одамларнинг вафотидан кейин ҳам бу дунёда яшаш учун имкон берадиган бирдан-бир макон. Ортда қолганлар хотирасида яшашга интилиш ортида кишини тарбиялайди. Уни эзгуликларга, кишиларнинг бирор-бир қорига яраб қоллишга, умрни зое кетказмасликка ундайди. Зеро, хотира ҳами-ша муқаддас, қадр азиздир.

Дилбар МАМАЖОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДАГИ ДАДИЛ ОДИМЛАР

Дунёдаги геосийёс чигалликлар, транспорт-логистика тизимидаги узилишлар, савдо бозорларидаги мураккаб вазиятлар тўғрисида жуда кўпмак мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатлари пасайиб бораётган бир вақтда Ўзбекистонда бу кўрсаткич йилга ўртача 6-6,5 фоизни ташкил этмоқда. 2017-2018 йилларда Ўзбекистон 50 млрд. доллардан ортиқроқ иқтисодиётга эга бўлган бўлса, ўтган йил якуни-лари бўйича мамлакатимиз бу борада 100 млрд. долларлик кўрсаткичдан ўтди. Бу, албатта, олиб борилаётган тўб ислохотларнинг самарасидир.

Ўзбекистонда 2030 йилгача камбағаллик даражасини кескин пасайтириш, эришилган натижаларни барқарор сақлаб қолиш каби асосий вазифалар белгилан олнингган. Хусусан, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олишни, яъни ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажмининг 160 млрд. долларга ва аҳоли жон бошига даромадини 4 минг долларга етказишни назарда тутди.

Бундай юксак марраларга эришиш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар натижадорлиги йил сайин яққол намоён бўлиб



бормоқда. Миллий статисти-ка қўмитаси маълумотларига қўра 2024 йилда Ўзбекистонда яъни ички маҳсулот ҳажми жорий нархларда 1 454,6 трлн. сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2023 йил билан таққосланганда 6,5 фоизга ўсган. ЯИМ ҳажми ўртача алмашув курси (12 652,7 сўм) бўйича 115 млрд. АҚШ доллариға тенг. 2024 йилда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ ҳажми жорий нархларда 439,1 млн. сўм (3 092,7 АҚШ доллариға) етиб, 2023 йил билан таққосланганда 4,4 фоизга ошган. Саноат тармоғининг ўсиши 6,8 фоиз бўлди. Бу маълумотдан ҳам кўринадики, ҳозирнинг ўзидаёқ стратегик мақсадларга эришиш бўйича аниқ танқарлар мавжуд.

Энг қувонарлиси, ислохотларимиз таълим ва илм-фан ри-вожи билан мустаҳкамланмоқ-да. Инсон ресурсларини ривож-лантириш масаласининг усту-вор бўлиши қўшимча қиймат яратишда муҳим омил ҳисоб-ланади. Ўзбекистон иқтисо-

диёти жаҳон иқтисодиётининг ажралмас қисми. Оқилона ташқи сиёсат ва қулай инвес-тициявий муҳит натижасида тадбиркорларимизга янги бо-зорлар очилмоқда, маҳсулотлар тури кўпаймоқда. Гарвард уни-верситетининг таҳлилига қўра охириги беш йилда “Иқтисодий мураккаблик индекси”да Ўзе-бекистоннинг ўрни 25 поғона яхшиланган. 162 турдаги мил-лий маҳсулотларимиз “дунё бо-зорида рақобат устуңлигига эга” деб баҳоланган.

Яна бир факт. Яхши эсла-ймиз, бир замоналар аҳоли ўрта-сида камбағал қатлам мавжуд бўлса-да, бу ҳусусида лом-ми дейилмасди. Фақат Президент Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси тўғрисидаги жамиятимиз-да камбағаллик борлиги нафа-қат тан олинди, балки уни қисқартириш бўйича алоҳида тизим жорий қилинди. Юрти-миздаги туманлар шароитига қўра 5 та тоифага ажратилиб, табаклашган енгилликлар бе-рилди. Аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, касбга тайёр-лаш ва иш ўринларини кўпайтиришга қаратилган ки-ришди. Эзгу ният ва хайрли амаллар ўз натижасини кўп ҳам куттиргани йўқ. Чўноқни, юрти-мизда камбағаллик даражаси 2024 йил якунига қўра 11 фоиз-

дан 8,9 фоизга камайди. Банд-лик дастурлари тўғрисида 719 минг киши камбағалликдан чиқарилди.

Иш ҳақи ва пенсиялар тизи-мида ҳам кескин ижобий ўзга-ришлар кузатилди. Бу ҳақда сўз борганда, минглаб эмас, мил-лионлаб инсонлар ҳаётига дахлдор масала давлатимиз-нинг доимий эътиборида экан-ини чуқур англаймиз. Аҳамайт-

дан 8,9 фоизга камайди. Банд-лик дастурлари тўғрисида 719 минг киши камбағалликдан чиқарилди.

Иш ҳақи ва пенсиялар тизи-мида ҳам кескин ижобий ўзга-ришлар кузатилди. Бу ҳақда сўз борганда, минглаб эмас, мил-лионлаб инсонлар ҳаётига дахлдор масала давлатимиз-нинг доимий эътиборида экан-ини чуқур англаймиз. Аҳамайт-

дан 8,9 фоизга камайди. Банд-лик дастурлари тўғрисида 719 минг киши камбағалликдан чиқарилди.

Иш ҳақи ва пенсиялар тизи-мида ҳам кескин ижобий ўзга-ришлар кузатилди. Бу ҳақда сўз борганда, минглаб эмас, мил-лионлаб инсонлар ҳаётига дахлдор масала давлатимиз-нинг доимий эътиборида экан-ини чуқур англаймиз. Аҳамайт-

“Ўзбекистонда 2030 йилгача камбағаллик даражасини кескин пасайтириш, эришилган натижаларни барқарор сақлаб қолиш каби асосий вазифалар белгилан олнингган. Хусусан, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олишни, яъни ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажмининг 160 миллиард долларга ва аҳоли жон бошига даромадини 4 минг долларга етказишни назарда тутди.”

хум кадам бўлди. Шу-нингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш қонун билан қатъий тартибга соли-ниб, ҳар бир кечиккан кун учун иш берувчи компенсация тўлаши йўлга қўйилди.

Шуни ҳам таъкид-лаш жоизки, иш ҳақи ва пенсиялар миқдо-ридаги кўтарилиш фо-нида камбағаллиқни камайтириш ва уму-вий фаровонлиқни ях-шилаш жараёни ҳам узвийлик касб этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, истеъмолчи фео-лиги ортшишга, ижтимоий бар-қарорлиқнинг мустаҳкамлани-шига олиб келади.

Барқарор ривожланишнинг асосий таркибий қисми бўлган аҳоли даромадларини янада оши-риш учун шарт-шароит яратиш борасидаги ишлар давом этади.

Мамлакатимизда пенсия ва маошларни оширишдан таш-қари, меҳнат шароитларини яхшилаш ва янги иш ўринлари яратишга ҳам эътибор қарати-лмоқда. Бу нафақат фуқаролар-га қўшимча даромад келтир-моқда, балки иқтисодиётни ри-вожлантириш, меҳнат умумдор-лигини кўтарши ва халқро миқёсда рақобатбардорлиқни кучайтиришга хизмат қил-ляпти.

Бугун юртимизда инсон ман-фаатлари устуворлиги йўлида ҳаётга татбиқ қилинаётган ис-лохотлар неғизида жамиятда тенгсизлик ва камбағаллик хав-фини юмшатиш, фуқароларнинг бандлиги ва даромад кўрсат-кичларини ошириш, ҳар бир инсоннинг муносиб турмуш кечириши учун шарт-шароит яратиш мақсадлари тўрибди.

Ўзбекистон ўтган даврда етарлича билим ва тажриба орттирди. Илгари ўн йиллар керак бўлган йўлни қисқа му-датда босиб ўтишни ўрганди. Ислохотларнинг узвийлиги ва давомийлиги тўғрисида Ўзебеки-стон, албатта, юксак ривожлан-ган давлатлар қаторидан муно-сиб жой эгаллайди. Зеро, бу-гунги ислохотлар катта иқтисодий сакрашга замин яратмоқда.

Муҳаммадали САИДОВ, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида «Ватан равнақи, тинчлиги ва ҳимояси йўлидаги қаҳрамонликлар унутилмайди» мавзуида халқро илмий-услубий конференция ўтказилди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 13 337 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни оқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

153N 6030-678A

47720330 678004

Тахриратта келган қўлемлар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.	• МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.	Набатчи муҳаррир — Х. Норбоев.
Газета тахриратта компьютер марказида термалди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланайди.	Мусаҳҳиш — Ш. Марабоев.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.	

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.40 Тошпирилди — 03.10 1 2 3 4 5 6